



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Хоразм вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

X. Madaminov Х.Мадаминов
“16 январь” 2018 йил

Хоразм вилоят статистика бошқармасининг
“Саноат статистикаси бўлими тўғрисида”ги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Хоразм вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Саноат статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Хоразм вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунарига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйруқларига ва “Хоразм вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим фаолияти Саноат статистикаси соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг бошқа тармоқ бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, фаолиятни мувофиқлаштириш, функционал тартибга солиш соҳасида:

иктисодиётдаги саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш статистикаси ҳисобини юритишда қиёсий таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини халқаро стандарт ва қоидалар талабларидан келиб чиқиб амалиётга жорий этиб бориш, саноат статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ва давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан таҳлилий таклифлар ишлаб чиқиш;

саноат соҳасида иктисодий жараёнларни ўрганиш, кўрсаткичларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

саноат статистикаси доирасида Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;

Бошқарма тармоқ бўлимлари ҳамда туман статистика бўлимларининг саноат статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

б) халқаро стандартларга мувофиқ, саноат соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

илмий асосланган, бозор иктисодиётининг асосий принципларига мос келадиган ягона статистика методологияси ва саноат кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишда таклифлар киритиш;

Давлат статистика кўмитасига тегишли давлат статистик кузатуви шакллари тақомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

саноат фаолияти ҳолати ва ривожланиши бўйича статистик маълумотлар фойдаланувчиларининг талабларини ўрганишда иштирок этиш;

бўлим томонидан статистик ҳисобот шакллари кўрсаткичларини тақомиллаштириш юзасидан корхона ва ташкилотлар таклифларини ўрганиш, ҳисобот шаклларига мос ўзгартиришларни киритишда таклифлар киритиш;

в) статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

саноат статистикаси ҳисобот кўрсаткичлари маълумотларининг ишончлилиги, ҳолислиги, комплекслилиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича мониторингини юритиш;

саноат статистикаси бўйича докладлар, тезкор маълумотлар, статистик тўплалар ва бир марталик маълумотларни тайёрлаш;

г) статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек бошқа фойдаланувчиларни саноат фаолиятига тегишли маълумотлар билан таъминлаш;

саноат статистикаси масалалари бўйича туман статистика бўлимлари ходимлари учун маслаҳатлар ва семинарларни ташкил этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Саноат статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштиради;

Саноат статистикаси доирасида давлат статистика кузатуви шакллари, уларни тўлдириш тартиблари бўйича тушунтиришларни, статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

статистик тўпламлар ва маърузалар учун саноат фаолияти бўйича маълумотларни тайёрлайди;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топширигига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида Саноат статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлим фаолиятига оид статистика услубиятлари, статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича Бошқарма бўлимларига, туман статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

Саноат соҳаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни амалга оширади, давлат статистика ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этилишини бўйича тушинтиришлар беради;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлиб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда Хоразм вилоятидаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Саноат статистикаси соҳасида кузатувларни ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат статистика қўмитасига таклифлар киритиш;

Бўлимга юклатилган функцияларни бажарилиши учун керакли бўлган маълумотларни Бошқарма бўлимларидан, шунингдек туман статистика бўлимларидан олиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари ва шаҳар ва туманлар статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

бошқармалар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, лойиҳаларни амалга оширувчи гуруҳлар ҳамда бошқа давлат ташкилотларидан Бўлим ваколатига кирувчи давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек уларга илова этиладиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

саноат статистикаси услубияти ва давлат статистика кузатувларини ташкил этишга алоқадор бўлган масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

9. Бўлим куйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

саноат, ишлаб чиқариш соҳасига оид статистик маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

ташкилот ва давлат сирларининг махфийлигини таъминлаш;

Бошқарма томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Бўлим ходимларининг ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва 1-тоифали мутахассислар киради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари Бошқарма бошлиғи томонидан Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод қиланади.


5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйруқлари, Хоразм вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом мазкур Низом, Бошқарма бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқландиган Бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади ва тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бошқарма бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва тасдиқланади.

**Бошқарма бошлиғининг
биринчи ўринбосари**



А.Ўтамуратов

**Бошқарма бош
юристконсулти**



У.Бектурдиев

**Саноат статистикаси
бўлими бошлиғи**



К.Куръязов